


«Президент кубоги» турнири кундалиги


МУСОБАҚАЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

АЙНИ КУНДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЮНУСОБОД» ТЕННИС КОРТЛАРИДА ЖАХОННИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДАН, ЯЪНИ АҚШ, ИСПАНИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ, БОЛГАРИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, АРГЕНТИНА, ГОЛЛАНДИЯ, ПОРТУГАЛИЯ, СЛОВАКИЯ, ВЕНГРИЯ, ИСРОИЛ, ХОРВАТИЯ, РОССИЯ, ПУЭРТО-РИКО, БЕЛОРУСЬ ВА УКРАИНАДАН КЕЛГАН ТЕННИСЧИЛАРНИ УЧРАТИШ МУМКИН.



Теннисчиларнинг дам олиш хоналари, овқатланиш масканлари ва ички кортларда уюштирилган бир қатор маданий талбирларда испан ёки француз, инглиз тилида янграётган кўй кўйиқларга ҳам дуч келиш мумкин. Ҳа, уларини уйдагидек ҳис қилаётган теннисчилар бундай маданий талбирларда қатнашишдан тортишмаяпти.

Ана шу хотиржамлик, яъни ўз уйдагидек ҳис қилиш тўғриси кортлардаги беллашувларда ҳам кўзга ташланапти. Жумладан, турнирнинг «биринчи ракеткаси соҳиби» испаниялик Феликс Мантлья ўзининг иккинчи учрашувида ҳам кортда худди мезондек ҳаракат қилиб, ҳамюртимиз Дмитрий Томашевични икки сетда 6/1 6/3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Дарвоқе, бу теннисчининг фамилияси қандай аталиши ҳақида журналистлар ўртасида ўзига хос баҳс бўлиб ўтди. Зеро, турнирнинг инглиз тилида тарқатилган дастурларида унинг фамилияси Мантлья (Mantilla) тарзида қайд этилган. Жаҳон оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Теннис» журнали, «Спорт экспресс» ва «Советский спорт» газеталарида ҳам испан теннисчининг фамилияси уч хил тарзда келтирилган. Бу турли хилликка аниқлик киритиш учун биз бевосита испаниялик теннисчиларга мурожаат қилдик. Маълум бўлишича, унинг фамилияси ўзбек тилида Мантлья тарзида таллаффуз қилинар, инглиз тилида уни ифодалаш мушкул бўлгани учун у дастурларда «Мантлья» сифатида қайд этилаётган экан.



бўлгани учун у дастурларда «Мантлья» сифатида қайд этилаётган экан.



Ҳамюртимизнинг бу теннисига қарши ўйинига қайтайдиган бўлса, Дмитрий бир кун олдин ўзи ваъда берганидек муносиб қаршилик кўрсатди. Гарчи ҳисоблаги фарқ катта бўлса-да, Дмитрийнинг ҳар бир геймда тен-

гма-тенг баҳшлашганлигини, фақат омад кўпроқ Мантльяга кулиб қоққанлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, шу кун Дмитрийнинг ўз геймларидаги дастлабки кучли зарбалари ноаниқ бўлганлигини қайд этиш керак. Чунки теннисда дастлабки зарбаларнинг кучли ва аниқ бўлиши муваффақият қозонишнинг асосий шартидир.

Шу кун Олег Огородов ҳам ўз мухлисларини ранжитди. ПТА рўйхатида ўзидан қарийб 145 поғона қўйи ўринни эгаллаб турган испаниялик теннисчи Жуан Антонио Маринга қарши кортга Олег ўта хотиржамлик билан чиқди. Натижада биринчи сетни 2/6 ҳисобида бой берди. Иккинчи сетда Олег мухлисларини анча ҳаяжонга солиб, бироз қийинчилик билан устун (6/3) келди. Ҳал қилувчи сетда эса Оленинги асаблари кетма-кет хатолан-

ларга дош беролмади ва бу ўйин натижасига таъсир қилди (6/2). Шундай қилиб, Самарқанд «челленжер» турнири ғолиби Марин чорак финалга йўланма олди.

Энг ёш теннисчимиз Вадим Куценко биринчи учрашулда кучли рақибни мағлуб этиб, аввалги рақибига нисбатан кучлироқ қозонишнинг асосий шартидир. Жером Анкисизга ютказиб (6/3, 6/2) қўйди. Матбуот конференциясида Вадим агар кундуз кунни эмас, балки бу сафар ҳам аввалгидек чироқ ёруғида ўйнаганида натижа бошқачар бўлиши мумкинлигини эътироф этди. Шунга қарамай ёш теннисчимизни профессионаллarga кучли, муносиб ўйин кўрсатганлиги ва бунинг учун ПТАнинг (Профессионал теннис ассоциациясининг) 12 очкосини қўлга киритганлиги билан қўтласак арийдим.

Ҳар бир учрашувлардан

сўнг ғолиб билан ўтказилган матбуот конференцияларида журналистлар



этиборини кўпроқ россиялик Андрей Черкасов жалб этапти. Чунки у ўтган йилги турнирда «мен, албатта, ғолиб чиқаман» дея олдиндан баъшорат қилган, нимчорак финалда турнирнинг «биринчи ракеткаси соҳиби» ис-

паниялик Хорди Арресета ютказиб қўйилган сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида эса келаси йили, албатта, яна бу турнирда келишини да ўзбекистон Президентини қўлидан бош мукофотни олажаклигини ваъда берганли. У бу йил ҳам ўз сўзида қатъий турибди.

«Кремль кубоги» турнирининг ғолиби бўлган Черкасов «Президент кубоги» учинчи халқаро турнирида ҳозирча муваффақиятли ўйнапти. У дастлаб франциялик Стефан Хьюни, кейинги босқичда эса словакиялик Мартин Хромекни катта устунлик билан ютди. Кейинги босқичда уни франциялик Фредерик Фон-тэ қутаяпти.

Шунингдек, испаниялик Портас, болгариялик Станойчев, германиялик Реҳман ҳам чорак финалга йўланма олди. Яққалик баҳслар бўйича иккинчи босқич беллашувлари ниҳоятда етди. Жуфтлиқ баҳсларида ҳозирча ҳамюртларимиз Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценко муваффақиятли ўйнапти. Ҳамюртларимиз 1/8 финалда Темура Ганиев (Ўзбекистон) — Офер Села (Исроил) жуфтлигини 6/3 6/1 ҳисобида мағлуб этди. Жуфтликлар ўртасида ҳам нимчорак финал баҳслари ниҳоятда етди.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: ҳамюртимиз Вадим КУЦЕНКО (ўнгда) ва испан теннисчиси Алберто ПОРТАС. А. КОНДРАШКИН суратга олган.

Ташкилот Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан ёки векселга Т-4 ва бугдой комбайнларининг эҳтиёт қисмларини тавсия қилади: * ёнилеи насоси 03-16с1; * пуркағич 11ТА-20с2-01; * ёнилеи насоси 444-16с1; * сув насоси 01-13с13-2а; * помпа 16с30; * сув насоси 41-13с13; * плунжер параси 445-16с15; * мой насоси 11ТА-09с2; * ремен 14-1328; * диск 01м-21сб; * сальник 140х170; * муфта 01м-21с9; * распреевал 14-05с7; * сцепления ваали 01м-21с16; * блок головкиси 43-06с-9; * диск 01м-2104, 01м-2105; * муфта 41-21с17; * упор 01м-2121; * подшипник 207; * т/провод 41-15с21; * пуркағич 6А1-20с2д; * тормоз лентаси 90/6; * пуркағич 6А1-20с2-60; * автотшина 320х508 (МАЗ). * пуркағич 6А1-20с2-50;

Телефонлар: 68-57-11, 68-06-20.

КОРХОНА Т-28х4, МТЗ-80 (3 ва 4 гилдиракли) тракторларини сотувга қўяди. Ҳисоб-китоб пул қўчириш йўли билан амалга оширилади. Мурожаат учун телефон: (3712) 48-43-20.

«БИ-ЭЛ-МОТОРС» қўшма корхонаси Тошкент шаҳридаги ўз омборхоналаридан қуйидагиларни арзон нархларда сотади: * электродвигателлар; * саккизўйлик шифер (Қирғизистон маҳсулот); * «Уэдэу» электротникс; * корхонаси маҳсулотлари; * ЭЦВ 6 насослари; * ПНОМ 10/10; * ТХИ 90/49; * КМВВий насослар; * НВ 50/50 нефтни сўрувчи насослар. Манзил: Тошкент шаҳри, Жомий майдони, Тошкент агрегат заводи биноси, 1-қават. Телефонлар: (3712) 48-28-74, 48-29-42. Факс: (3712) 48-19-40.

ТЕННИС МАЖМУИДА ЦИРК

Пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис кортидаги мажмуида циркнинг кўрсатишлари кўпайиб кетди. Қарийб йигирмага яқин мамлакатдан келиб, бу ерда ўзаро беллашган ўйинчиларнинг маданий ҳорқ-чирашлари, ружд-маънан дам олишлари муҳим аҳамиятга эга.

«Забонсиз» маскарабоз-қизилчиларнинг бир-биринан чиройли, мазмунли ҳаракатлари катта оқшўшларга сабаб бўлди. Ичакли томошалардан сўнг биз чет эллик меҳмонларнинг юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.

«ТОШКЕНТ МЕНГА ЕҚИБ КОЛДИ» Иво ХУБЕРГЕР (теннисчи): — Мен швейцарияликман. Бундай халқаро турнирларнинг бир нечасида қатнашганман. Табиий, кўнлаб шаҳарларда бўлганман. Тошкентда биринчи марта бўлишим. Менга бу шаҳар жуда ёқди. Тошкентнинг ўзига хос кўрғаси бор экан. Мен бу юртга келиш учун ҳозирлик кўраётганимда дўстларимдан Тошкент ҳақида анча-мунча нарсани

булган афсонавий одамлар сиймоси кўз ўнгимда пайдо бўлади. Бунга ким қандай тушуна тушунаверсин, аммо шахсан мен ҳаммасини ҳақиқат деб биламан. Мана, Ўзбекистонга уч йилдан бери келиб кетаман. Ҳар келганимда бирор янгиликнинг ёки катта ўзгаришнинг устидан қизиқаман. Айниқса, Тошкент қурилиш соҳасида бениҳоя катта ишларни амалга ошироқда. Тўғри, ушбу теннис кортининг қисқа муддат ичида қуриб битказиб ўзбекистонликлар бизларни хайратга солуви, Энди эса «Асака» деган шаҳарда энгил автотомашина ишлаб чиқарадиган заводни қуриб битказишди. Айтишларича, заводдан чиқарилган машиналар жаҳон бозорига ҳам етиб боришга улгурибди. Бундай ишланувчан «ижодкор» халқ билан кўп хайрли ишларни қилса бўлади. Чунки, Ўзбекистон ҳайри, эзу ишларга қодир.

КИМ ҚАНДАЙ ТАҚДИРЛАНАДИ?

«Президент кубоги» учинчи халқаро турнирнинг мукофот жағғармаси ҳар йилгидек 125 минг доллар. Ҳар йилгидан фарқи ўлароқ, бу йил республикамиз оммавий ахборот воситалари ҳам «Энг маҳоратли ўйинчиси учун», «Жонкуяр ташкилотчи», «Энг ҳушёр ҳакам», «Энг яхши мураббий» каби муСОБАҚАНИНГ барча жаҳдаларини қамраб олувчи бир қатор совринлар мажмуи билан келишган. Бу мукофотлар соҳиби, албатта, турнир якунланган маълум бўлади. Бугун биз турнирнинг мукофот жағғармаси ва ПТА рейтинг очколари қатнашчиларга қандай тақсимланишини муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

Table with 3 columns: Name, \$, ПТА очкоси. Rows: Ғолиб (18.000, 100), Финалчи (10.600, 73), Ярим финалчилар (6.275, 45), Чорак финалчилар (3.650, 23), Нимчорак финалчилар (2.150, 12), 1/16 финалчилар (1.300, 1).

«ВЕТХИМБИТ» ИТИК Тоғолди ва чул худудларида сувни тежайдиган Ерни томчилаб суғориш тизимини (монтаж қилиш ва ишга тушириб бериш билан) тавсия қилади. Шунингдек: * гипохлорид натрий чиқарадиган ускуналар; * хлорид оҳак; * зараркунанда ва ҳашоратларга қарши юқори самара берадиган дори. Манзил: Тошкент шаҳри, 1-Нукус тор кўчаси, 5. Тел.: (3712) 99-72-72, 59-55-00.

«Зафар» ўзбек-хитой қўшма корхонаси Тошкентдаги ўз омборхоналаридан қуйидагиларни нақд пулга сотади: * оқ-қора тасвирли телевизорлар (35 см. диагоналли); * Россия корхоналарида тайёрланган, КАМАЗ, МАЗ русумли автомобиллар учун шиналар. БИЗДАГИ НАРХЛАР ЭНГ АРЗОН! Ташриф буюринг: Тошкент шаҳри, Қорақаммиш кўчаси, 2-уй, «Зенит» заводи биносида. Телефон: (3712) 21-07-21.

«ҚАЛБИ ДАВОЛАМАЙ ТУРИБ, ТАНИИ ДАВОЛАБ БЎЛМАЙДИ»

Тошкент Давлат Тиббиёт институти қошидаги тиббиёт билим юрти директори Нурия ИСМОИЛОВА билан суҳбат. — Нурия она, сиз ўз олти йилдан бундан бу йил даргоҳида ишлайсиз. Шунинг учун ҳам ҳамширалик касбининг сир-асорати, ўзига хос қувонч ва ташвишлари ҳақида суҳбатлашсак... — Тўғри, бу касбининг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ўз касбининг чинакам фидойиларини тарбиялаш ҳар доим ҳам оғир, масъулиятли вазифа ҳисобланган. Айниқса, 9-синфини битириб келган қизларни катта ҳаётга тайёрлаш биз

педагоглардан ҳам ҳақиқий меҳнат талаб қилади. — Сиз раҳбарлик қилаётган билим юрти ҳар йили юзлаб ҳамширалар тайёрлаб беради. Уларнинг касб маҳорати яхши, лекин муомаласи, маданияти, ўзини тутиши ҳар доим ҳам Сизни қониқтирмайди? Ҳамшираларнинг беморга дағал, қўпол муносабатда бўлиши ташвишли ҳол. — Очиги, юзакли қираганда ҳамширалик жуда оғир, ҳамма ҳам эгалласа бўладиган касбга

Ухшайди. Аслида-чи? Аслида ҳамшира бўлиш учун меҳрибонлик, самимият, гамхўрлик каби қилатлар эгаси бўлмоғи даркор. Шифокорнинг бир оғиз ширин сўзи, тасаллиси беморга нақдлар таъсир этишини ёки аксинча, совуқ, кўрс муомалада бўлиши беморни баъзан ажал домига олиб боришини ҳамма билади. Касал билан муомала — улкан масъулият, катта жавобгарлик. Чунки қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди. — Билим юрти бу йил ўзининг 16 чи ўқув йилини бошлаб экан. Албатта, шу қисқа давр ичида ўзига хос анъаналар

туғилган бўлиши табиий. Педагогик жамоанинг амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам гапирсангиз. — Маълумки, билим юртимига қабул қилинган 9-синф талабалари ҳамширалик дипломи билан бирга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатга ҳам эга бўлишади. II-синфини битирганлар эса қисқа муддат ичида маълум ҳамшира бўлиб етишадилар. Бундай ҳамшираларга ҳар томонлама пухта билим бериш ва тарбиялашда жамоамиз тинмай ишланмоқда. Аслида билим ва тарбия тушунчалари бири-бири билан чамбарчас боғланган. Биз ҳам ўз фаоли-



Халқ Сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар ЖҮРАБОВ.

БҮЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев. Навбатчи — Б. Остоплуков.